

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ
ВАЗИРЛИГИ

Рўйхатга олинди

№ БД – 5220100 – 4.04

2016 йил “ 9 ” 01



Олий ва ўрта махсус таълим
вазирлиги

2016 йил “ 22 ” 01

АУДИОВИЗУАЛ ЖУРНАЛИСТИКА

ФАН ДАСТУРИ

Билим соҳаси:	200 000 – Ижтимоий соҳа, иктисод ва ҳуқук
Таълим соҳаси:	220 000 – Журналистика ва ахборот
Таълим йўналиши:	5220100–Журналистика (халқаро журналистика)

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2016 йил “22” январдаги “26”-сонли буйруғининг 2-илоvasи билан фан дастури рўйхати тасдиқланган.

Фан дастури Олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими йўналишлари бўйича Ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи Кенгашининг 2016 йил “9” январдаги 1-сонли баённомаси билан маъқулланган.

Фан дастури Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетида ишлаб чиқилди.

Тузувчилар:

- Исмаилова К. - Аудиовизуал журналистика ва оммавий коммуникация кафедраси доценти, ф.ф.н.;
- Каримов А. - Аудиовизуал журналистика ва оммавий коммуникация кафедраси катта ўқитувчиси, ф.ф.н.

Такризчилар:

- Нишонова Г. - ЎЗМУ Оммавий алоқалар ва реклама кафедраси доценти, ф.ф.н.;
- Бабаджанова Г.Н. - Ўзбекистон Республикаси журналистларни қайта тайёрлаш халқаро маркази директори, ф.ф.н.

Фан дастури Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети Илмий кенгашида кўриб чиқилган ва тавсия қилинган (2015 йил “26” ноябрдаги 4-сонли баённома).

КИРИШ

“Аудиовизуал журналистика” фани радио, телевидение, ҳужжатли кинонинг пайдо бўлиши, ривожланиши, уларнинг жамиятда тутган ўрни, вазифалари, телекўрсатув, радиоэшиттириш, ҳужжатли кинони тайёрлаш жараёнларини ўргатади. Радио ва телевидениенининг пайдо бўлиши ОАВ ривожига катта туртки бергани, ўзига хос техник инқилоб ясагани, тараққиёт босқичларининг эртанги куни муаммоларини қамрайди.

“Аудиовизуал журналистика” фани бўйича ўқув курсини ўқитилишининг аҳамияти ва долзарблиги шундаки, журналистика соҳасида таълим олаётган талабаларга телевизион ва радиожурналистика тизими, уларнинг ўзига хос хусусиятлари, жамиятдаги ўрни ҳамда аҳамияти янада ривожланаётганлиги тўғрисида билим беришдир.

Фаннинг мақсад ва вазифалари

Фанни ўқитишдан мақсад – телевидение, радио, кино тарихи, уларнинг оммавий ахборот воситалари тизимида тутган ўрни, аудиовизуал журналистиканинг жанр хусусиятлари, телевидение ва радионинг ахборот тарқатиш, рекреатив, интегратив, маънавий-маърифий, ташкилотчилик вазифалари, ТВ ва радио иқтисодиёти ва журналистнинг касбий ахлоқи меъёрлари бўйича йўналиш профилига мос билим, кўникма ва малакани шакллантириш.

Қуйидаги вазифаларни амалга ошириш орқали фаннинг ўз олдига қўйган мақсадларига эришиш назарда тутилган:

- теле ва радиожурналистика назарияси ва амалиётини сингдириш;
- журналистика тараққиётида телерадиостанцияларнинг ўрни ҳақида тасаввурни шакллантириш;
- эфирга узатилаётган эшиттириш ва кўрсатувларни кузатган ҳолда аудиовизуал журналистика жанрларида ижод қила олишга ўргатишдан иборат.

Фан бўйича талабаларнинг тасаввур, билим, кўникма ва малакаларига қўйиладиган талаблар

Ушбу фанни ўзлаштирганидан сўнг талаба:

- назарий билимларни эгаллаган ҳолда мушоҳада юритишни;
- ТВ ва радио фаолиятида сиёсий, мафкуравий, маданий плюрализмнинг ўта муҳимлигини тушунишларига кўмаклашиши;
- мустақилликка қадар ва ҳозирги бозор иқтисодиёти шароитида телевидение ва радио сезиларли даражада кенгайганлиги;
- ахборот бозорининг изчил тараққий этиши янги телерадиоканалларнинг пайдо бўлишига олиб келганлиги **ҳақида тасаввурга эга бўлиши;**

- кўрсатув ва радиоэшиттириш тайёрлашга бўлган асосий талабларни ўрганиш ва улар нималардан иборат бўлиши ҳақида баҳс олиб бориш;
- кўрсатув ва радиоэшиттиришни ташкил этиш жараёнида муаллиф, режиссёр, бошловчи ва тасвирчининг вазифаларини;
- телевидениеда тасвирга тушириш;
- радиода рекордерга ёзиш;
- оддий ва мураккаб монтаж жараёнларини **билиши ва улардан фойдалана олиши;**
- таниқли теле ва радиожурналистлар ижодини таҳлил қила олиш;
- топшириқдан – эфиргача амалга ошириладиган жараёнлар;
- кўрсатув ва эшиттириш тайёрлаш асносида муаллифга юкланадиган асосий вазифаларни бажариш;
- тўғридан-тўғри эфирда ишлаш муаммоларини аниқлаш ва бунда журналистга юкланадиган топшириқларни бажара олиш **кўникмаларига эга бўлиши;**
- телевизион сценарий ёзиш;
- ахборот жанрида телевизион маҳсулот тайёрлаш;
- таҳлилий жанрлардаги мураккаб чиқишларни уюштириш;
- бадиий-публицистик жанрларда ижод қила олиш **малакаларига эга бўлиши керак.**

Фаннинг ўқув режадаги бошқа фанлар билан ўзаро боғлиқлиги ва услубий жиҳатдан узвийлиги

“Аудиовизуал журналистика” – ихтисослик фани ҳисобланади. Мазкур дастурни амалга ошириш учун талаба ўқув режасида режалаштирилган “Масс-медиа типологияси, техникаси ва иқтисоди”, “Жаҳон журналистикаси асослари”, “Замонавий хорижий ОАВ” фанларидан билим ва кўникмаларга эга бўлиши талаб этилади.

Фаннинг илм-фан ва ишлаб чиқаришдаги ўрни

Электрон ОАВ, хусусан радио ва телевидение соҳасининг жадал тараққий этиши, аудиториянинг чиқишларга бўлган талаби ва эҳтиёжи ўсганлиги натижасида соҳага янгича нуқтаи назар билан қараш кучайди. Аудиовизуал журналистиканинг фан сифатида намоён бўлиши, ёзиладиган радио ва телевизион сценарийлар, эфирга узатиладиган маҳсулотларга аудитория берган баҳо билан белгиланади. Шу нуқтаи назардан фан муҳим рол ўйнайди.

Фанни ўқитишда замонавий ахборот ва педагогик технологиялар

Талабаларнинг “Аудиовизуал журналистика” курсини ўзлаштиришлари учун ўқитишнинг илғор ва замонавий усуллари билан фойдаланиш, янги инфорацион - педагогик технологияларни тадбиқ қилиш

муҳим аҳамиятга эгадир. Фанни ўзлаштиришда дарслик, ўқув ва услубий кўлланмалар, маъруза матнлари, тарқатма материаллар, электрон манбалар, виртуал стендлар, дарс мазмунли ва фойдали бўлиши учун аудио ва видеотехникадан, интернетдан фойдаланилади.

Асосий қисм

Фаннинг назарий машғулоти мазмуни

“Аудиовизуал журналистика” фани қуйидаги икки бўлимда ўргатилади:

1-БЎЛИМ. РАДИОЖУРНАЛИСТИКА

Радиожурналистиканинг оммавий ахборот воситалари тизимидаги ўрни ва роли

Жамиятда радионинг ўрни ва аҳамияти. Сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маданий ҳаётидаги роли. Радиожурналистиканинг мақсад ва вазифалари, унинг мустақилликгача ва мустақиллик йилларида ўрганилиш даражаси. И.А.Каримовнинг радио фаолияти тўғрисидаги фикрлари.

Бугунги кунда радиоэшиттиришга қўйиладиган талаблар. Радиожурналистиканинг ОАВ тури сифатида ривожланишининг замонавий тенденциялари. Замонавий радионинг структураси. Ўзбекистон Республикасида шаклланган радиомухитига тавсиф.

Радио тарихи

Радио ихтиро этилишининг ижтимоий ва техник сабаблари. Европа ва АҚШ олимларининг изланишлари (Максвелл, Герц, Бранли, Лодж, Тесла ва бошқалар).

А.С.Попов ва Г.Маркони ихтироларининг радио ривожига катта туртки бергани, ўзига хос техник инқилоб бўлгани. Радионинг пайдо бўлиши ва жаҳон бўйлаб тарқалиши. Эдвин Армстронг томонидан FM-диапазоннинг ишлаб чиқилиши ва кенг жорий этилиши.

Ўзбекистонда радионинг илк пайдо бўлиши. Республикада радио тузилмалари тараққий этишининг асосий босқичлари. Немис фашизмга қарши кураш йилларида ватан радиосининг фаолияти. “Қайта куриш” даврида ижод йўналишлари ва эшиттиришларнинг шакллари. Мустақил Ўзбекистон радиосининг ўзга хослиги.

Радиоэшиттиришнинг ўзига хос хусусиятлари, ифодавий воситалари

Радиожурналистиканинг ўзига хослиги ва унинг имкониятлари. ОАВ тизимида радионинг ўрнини белгиловчи омиллар. Радиожурналистик материалларни қабул қилишнинг ўзига хос жиҳатлари. Аудитория билан

рамзий мулоқотнинг системаси сифатида радиожурналистиканинг хусусиятлари.

Радионинг табиий, ўзига хос воситалари: янграётган сўз, мусиқа, интершовқинлар, монтаж. Радиомонтаж турлари: техник, мантиқий, мураккаб параллел, бадиий.

Радиостанциялар имиджини шакллантирувчи воситалар: джингллар, лайнер, подложка, свиппер ва бошқалар. Радиоода овоз грими, товушли мизинсцена, реверберация. Акустик, параллел, изчил монтажлар. Акустик коллаж. Радиожурналистикада «овозли образ» тушунчаси.

Халқаро радио тизими

Хорижий мамлакатларга радиоэшиттиришнинг моҳияти, ўзига хос хусусиятлари ва ташкиллаштириш принциплари. Йўналтирилганлик – халқаро радиоэшиттиришнинг бош услуги сифатида.

Жаҳонда чет элларга мўлжалланган радиостанцияларнинг классификацияси. Халқаро радио тизимида Би-Би-Си нинг ўрни. Қирол Хартияси Буюк Британия радиоси фаолиятини белгиловчи асосий ҳужжат сифатида.

АҚШ радиоэшиттиришларининг тузилиши. “Америка овози” станциянинг дастурлари: йўналиш ва шакллари.

Германиядаги “Немис тўлқини” радиосининг дастурий сиёсати.

“Радио Франс Интернасьональ” радиоси маданий эшиттиришларига тавсиф.

Ўзбекистон Халқаро радиоси тарихи ва халқаро муносабатлар мустаҳкамланишига қўшган ҳиссаси. Чет элларга эшиттиришларнинг Интернетдаги кўринишлари.

Радиоода дастурлашнинг ўзига хос хусусиятлари

Радиоода дастурлашнинг турлари: горизонтал, вертикал. “Дастурий чамбарак” тушунчаси. Радио форматларининг таснифи. Радиоэшиттириш кунининг ташкил этилиши принциплари. Эфир дастурлашда “прайм-тайм”нинг ўрни. Плей-листни шакллантириш мезонлари. Бегим ва дам олиш кунларини ташкиллаштиришнинг ўзига хосликлари. Анонсларнинг ротацияси ва рекламанинг медиарежалаштирилиши.

Радиожурналистика турлари ва жанрлари

“Янграётган” журналистиканинг уч гуруҳ жанрлари: ахборий-воқеий, таҳлилий ва ҳужжатли-бадиий жанрлар. Уларнинг дастурдаги алоқаси ва ўзаро таъсири. Замонавий радиожурналистикада баъзи жанрларнинг “инқироз” муаммолари ва йўқолиб кетиши. “Радиожурналистика жанрлари” ва “радиоэшиттириш шакли” тушунчаларининг ўзаро нисбийлиги.

Радиожурналистикада “рукн”, “туркум” тушунчалари. Радиожурналнинг хусусиятлари.

Ахборий-таҳлилий, ахборий-публистик, ахборий-муסיқий, ахборий-кўнгилочар дастурлар. Радиокомпозиция, радиofilmлар яратилишининг ўзига хос жиҳатлари.

Радиода журналист касбининг ихтисослашуви

Давлат ва нодавлат радиостанцияларида журналист касб ихтисослашувларининг ўхшаш ва фарқ қилувчи томонлари.

Ди-джейлар, ар-джейлар, янгилик дастурлари бошловчилари, эфир соатларининг бошловчилари, креаторлар ва бошқалар ижодий фаолиятининг ўзига хос хусусиятлари. Радиода бошқарув органлари ходимларининг вазифалари. Радиоэшиттириш техник таъминотига жавоб берувчи касб эгалари.

Радиожурналистнинг “тўғридан-тўғри эфир” режимида ижод қилишининг ўзига хослиги. Модераторлик ва мавзули радиоэфир олиб бориш мезонлари.

Радиожурналист ижодида муаллифлик дастурларининг ўрни ва аҳамияти. Радиода интерфаол эшиттиришларнинг турлари.

Радиоэшиттириш тайёрлаш технологияси

Радиоэшиттиришни ташкиллаштириш методикаси. Радиолойиҳа концепциясини ёзиш коидалари. Радио сценарий: ўзига хос хусусиятлари ва турлари.

Радиостудия ҳақида маълумот. Овоз ёзиш, уни узатиш техник жараёнлари тўғрисида умумий тушунча. Рекордерни ишга тайёрлаш, студия ортида у билан ишлаш принциплари. Микрофон техник параметрларининг товуш манба билан уйғунлашуви, ёзилган материалга ишлов бериш. “Аудиомизанцена”, “аудиоплан”, “товушли образ” тушунчалари. Радиоэшиттиришни безатилиши. Радиода “реверберация”, “эхо”, “компиляция” усулларининг қўлланилиши. Эшиттиришлар таъсирчанлиги ва самарадорлигини таъминлаш усуллари.

Радио тили

Радио тили ҳақида тушунча. Тил ва сўзлашув нутқи. Радио тили хусусиятлари. Радио тилининг аниқлиги, равонлиги, эшитимлилиги.

Радио нутқида нейтрал, китобий, публицистик лексикалар.

“Импровизация” – замонавий радио тилининг зарурий унсури сифатида. Радио тилининг новербал воситалари.

Радиожурналист касб одоби

Радиожурналист этикаси принциплари, ахлоқ-одоби меъёрлари. 1954 йил 25-28 апрелда Бордо шаҳрида ўтган журналистлар Халқаро федерациясининг 2-жаҳон Конгрессида қабул қилинган “Журналист фаолияти принциплари Декларацияси” ҳақида маълумот. Радиожурналистиканинг етакчи олими В.Н.Ружниковнинг бу хусусдаги фикрлари.

Умумий касб этикаси ҳамда радионинг хусусий (локал) ахлоқий меъёрлари.

Ўзбекистон ҳамда дунё радио ижодкорлари фаолиятида одоб-ахлоқ меъёрларига амал қилиш.

Радио иқтисодиёти

Жаҳон радиоларида иқтисодиёт масалалари. Ўзини-ўзи маблағ билан таъминлаш йўллари. Радиостанцияларнинг тижорий фаолияти. Радиода реклама: ўзига хос хусусиятлари, турлари, эфирда жойлаштирилиш принциплари.

Радиода ҳомийлик. Ҳомийлик радиоматериалларини эфирга узатиш қонун-қоидалари.

Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси радиоканалларида иқтисод масалалари. Нодавлат радиоларда бюджетнинг шаклланиши.

2-БЎЛИМ. ТЕЛЕЖУРНАЛИСТИКА

Телевидениенинг жамиятда тутган ўрни ва вазифалари

Телевидениенинг ҳуқуқий –демократик давлат ва фуқаролар жамияти қуришда тутган ўрни, мамлакат ўтмиши, бугунги куни ва келажаги ҳақида ҳаққоний ва юқори савиядаги кўрсатувлар тайёрлаш лозимлиги тўғрисида. ОАВ тизимида энг тезкор, энг халқчил, энг таъсирчан бўлган бу электрон алоқа воситаси олдида турган вазифалар. Телевидениенинг шитоб билан ҳар бир жамият ва инсонлар ҳаётига кириб бориши. Телевидениенинг мамлакатимизда ва жаҳонда содир бўлаётган воқеа-ҳодисалар ҳақида тезкорлик билан ахборот бериши ва уларга нисбатан аҳоли фикрини ҳолисона шакллантиришда тутган ўрни. Аҳолини турли воқеа-ҳодисалардан воқиф қилиш, аҳоли маданиятини ошириш, маънавиятини бойитиш, дунёқарашини тўғри шакллантиришда телевидениенинг ахборот тарқатиш, маданий-маънавий, интегратив, ташкилотчилик, маърифий, мафкуравий, рекреатив каби вазифаларининг аҳамияти. Ўзбекистон ТВ соҳасидаги ислохотлар. Рақамли ТВга ўтиш истиқболлари.

Телевидениенинг оммавий ахборот воситалари тизимида тутган ўрни ва телевидениеда журналистик фаолият турлари

Телевидение кўрсатувлари хақида умумий маълумот. Жонли кўрсатувларнинг афзалликлари. Телевидениенинг бошқа оммавий ахборот воситаларидан фарқи. ТВнинг ўзига хос хусусияти. Телевидениеда тасвир ва сўзнинг иттифоқи. Тасвирнинг бирламчилиги. Телевидение ва газета. Телевидение ва радио. Телевидение ва кино. Уларнинг умумийлиги, ўхшашлиги ва ўзига хослиги. В.Саппакнинг “Телевидение ва биз”, Д.Миллерсоннинг “Телевидение кўрсатувларини тайёрлаш технологияси”, Г.Кузнецов, В.Цвик, А.Юровскийнинг “Телевизионная журналистика”, ўзбек олимлари А.Каримов, Ў.Ўтаев, И.Раҳматуллаева ва бошқаларнинг китоблари хақида маълумот. Телевидениеда журналистик фаолият турлари. Мухаррир(продьюсер) – ижодий жараён ташкилотчиси. Мухбир, таҳлилчи ва шарҳловчи. Бошловчи, суҳбат олиб боровчи, шоумен ва модератор. Ахборот дастури бошловчиси. Журналистик асар тайёрлашда режиссёр, тасвирчи ва бошқа ижодкорларнинг тутган ўрни.

Жаҳон телевидениеси

Телевидениенинг пайдо бўлиши ва жаҳон бўйлаб тарқалиши. 1941 йил Франция, Голландия ва Япония телестудияларининг ишга туширилиши. Иккинчи жаҳон уруши йилларида жаҳонда телевидение кўрсатувларининг тўхтатилиши. Урушдан кейинги дастлабки дастлабки йилларда (1950) АҚШ, Англия ва собиқ иттифокдаги телевидениенинг фаолияти. 1952 йил Польша, 1953 йил Бельгия ва Швейцария, 1954 йил Чехословакия, Дания, ГФР, Италия, ГДР, 1955 йил Люксемберг, 1956 йил Австрия, Португалия, Швецияда телевидениенинг пайдо бўлиши. 1956 йил Тошкент Шайхонтохур телеминорасининг қад кўтарилиши ва Ўзбекистон телевидениесининг ишга туширилиши. 1957 йил Руминияда, 1958 йил Венгрияда, 1959 йил Болгарияда, 1960 йил Финляндия, Норвегияда телевидениенинг ишга туширилиши. Эй-Би-Си, Си-Би-Эс, Си-Эн-Эн, Фокс, Евроньюс, Би-Би-Си, Россия, НТВ, Эн-Эйч-Кей, Ал-Жазира каби каналлар хақида маълумот. Медиумагнатлар С.Берлускони, Р.Мердок, Т.Тернер, Р.Максвелл, Г.Торн.

Тележурналистика жанрлари

Ахборот жанрлари. Ахборот публицистикаси хақида маълумот. Видеосюжет. Репортёр – ТВнинг ахборот воситачиси сифатида. Телевизион янгилик. Ахборий сабаб. Телевизион сюжет компонентлари. Телевизион янгиликлар форматлари. Ҳисобот. Давлат ва ҳукумат делегацияларининг расмий ташрифлари тўғрисидаги кўрсатувлар. Репортаж турлари. Тўғридан-тўғри репортаж. Репортаж-трансляция. Воқеий репортаж. Режалаштирилган репортаж. Муаммоли репортаж. Репортаж-портрет. Интервью. Экспресс сўров. Ахборот

жанрларининг ўзига хос хусусиятлари. Таҳлилий жанрлар.Телешарх (телекомментарий). Телетаҳлил (телеобозрение). Сухбат жанри ҳақида маълумот.Баҳс ва ток-шоу. Уларнинг фарқли жиҳатлари. Ток-шоу – янги, замонавий жанр сифатида. Матбуот анжумани. Брифинг. Корреспонденция. Бадиий-публицистик жанрлар. Лавҳа ҳақида маълумот. Эссе жанрининг ўзига хос хусусиятлари. Очерк ва унинг турлари. Жанрларда қаҳрамон, характер ва образ. Сатирик жанрлар тўғрисида маълумот. Телефильм ҳақида маълумот.Сериаллар.

Телевизион сюжет компонентлари

Телевизион сюжет – телевидениенинг асосий жанрларидан бири сифатида. Видеокатор. Видео аксарият ҳолларда телевизион сюжет учун махсус профессионал мутахассис томонидан тасвирга олиниши ҳамда архив материаллари, тезкор тасвирлар, ҳаваскорлик ишларидан ҳам фойдаланилиши. Графика - схема, харита, диаграмма, спорт турнирлари жадваллари ва бошқалар компьютер технологиялари ёрдамида тайёрланиши ва унда ранглардан фойдаланиш, безатиш, шрифтларни танлаш.

Интершум. Муסיқа. Лайф. Синхрон. Стенд-ап ва титрлар. Титрларнинг турлари: 1.Геотитр (харитадан воқеа содир бўлган жойни кўрсатиш). 2. Субтитр (экран пастида хабарнинг бошқа тилдаги таржимасини бериш). 3. “Югурувчи сатрлар” (экран пастида хабарларни бериб бориш). 4. Изоҳловчи титрлар. Кадр ортидаги матн.

Телесюжет яратишнинг технологик босқичлари

Телевизион асар яратишнинг босқичлари. Пре-продакшн – тасвирдан олдинги фаолият. Продакшн – бевосита тасвирга олиш пайти. Пост-продакшн – материалга ишлов бериш ва уни эфирга тайёрлаш.

Пре-продакшн. 1.Ғоя танлаш ва топшириқ олиш. 2.Маълумот йиғиш босқичи. Рисёч (рисёчр) (инглизча research – ўрганиш, тадқиқот). Рисёчкер – ўрганишлар билан шуғулланувчи таҳририятдаги мутахассис. Бэкграунд (инглизчадаги background – фон) – фонли, воқеа ҳақида кўшимча маълумот берувчи ўхшаш воқеалар ҳамда қатнашчилар тўғрисида далиллар. 3. Сюжетнинг умумий концепциясини ишлаб чиқиш. 4. Мухаррир билан фикрни муҳокама қилиш. 5. “Кўнғироқ қилиш” ёки “продюсерлик” босқичи. 6. Тасвирчи билан ғояни муҳокама қилиш

Продакшн. Тасвир жараёни. Сюжет учун керакли бўлган асосий элементлар – тасвирга тушириш, синхрон ва стенд-апларни ёзиш.

Пост-продакшн. 1. Тасвирга олинган видеоматериалларни кўриқдан ўтказиш. 2. Синхрон ва стендапларни расшифровка қилинади. 3.Телесюжет матнини ёзиш. 4. Ўз-ўзини таҳрир қилиш. 5. Матнни муҳаррир билан бирга ўқиб чиқиш. 6. Кадр ортидаги матнни ўқиш(начитка). 7. Монтаж. 8. Тайёр сюжетни кўриқдан ўтказиш. Янгиликлар дастуридаги чиқишларда сюжет типлари: бош янгилик – хэдлайнер, клифхэнгер, дастур миҳи, кикер.

Телекўрсатув тайёрлаш технологияси

Тасвир жараёнида тасвирчи билан мухбир муносабати. Репортёр кадрда. Стенд-ап ҳақида тушунча. Телевизион сюжет муайян тарихий жараён сифатида. Телесюжет матнининг ўзига хос хусусиятлари. Сценарий ёзиш маҳорати. Телестудия ҳақида маълумот. Режиссёр аппаратхонаси. Техника аппаратхонаси. Овоз режиссёри аппаратхонаси. Телетасвир. Телекамера. Техник маълумотлар. Тасвирнинг ҳосил бўлиши ва узатиш. Чироқ. Ёритишга бўлган асосий талаблар. Ёритиш усуллари. Телевидениеда ёритиш ва овоз ёзиш муаммолари. Овоз тембри ҳақида маълумот. Кўрсатув тайёрлаш жараёни. Тасвир, оддий монтаж, мураккаб монтаж, просмотр, техник кўрик ва эфир.

Нодавлат телевидениелар

Хориждаги давлат ва нодавлат телекомпаниялар ва телестудиялар ҳақида маълумот. Нодавлат телестудиялар кўрсатувларини тарқатишда сунъий ер йўлдошлари ва кабелдан фойдаланиш. Нодавлат телестудияларнинг ҳуқуқий-фуқаролик жамиятини қуришдаги аҳамияти. Давлат ва нодавлат телестудияларда воқеликни акс эттиришдаги ёндашувлар. Нодавлат телестудияларнинг ўзини-ўзи маблағ билан таъминлаш масалалари. Нодавлат телестудиялар ва реклама. Нодавлат телестудиялар Низоми, Дастури ва рўйхатдан ўтказиш. Ўзбекистонда нодавлат телестудияларнинг пайдо бўлиши. “СТВ”- дастлабки нодавлат телестудия.

Телевидениеда касб одоби ва иқтисодиёт масалалари

Журналист этикаси принциплари, журналист ахлоқ-одоби меъёрлари. 1954 йил 25-28 апрелда Бордо шаҳрида ўтган журналистлар Халқаро федерациясининг 2-жаҳон Конгрессида қабул қилинган “Журналист фаолияти принциплари Декларацияси” ҳақида маълумот. Телевидение назариётчиси В.Саппакнинг бу ҳусусдаги фикрлари. Ўзбекистон ҳамда дунё телевидениелари ижодкорлари фаолиятида одоб-ахлоқ меъёрларига амал қилиш. Жаҳон телевидениеларида иқтисодиёт масалалари. Ўзини-ўзи маблағ билан таъминлаш. Телевидениеда реклама. Ўзбекистон телевидениеси бюджети. “Ёшлар” телерадиоканали ЁТАЖ сифатида. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси каналларида иқтисод масалалари ва асосий муаммолар.

Семинар машғулотларининг тахминий рўйхати

- Сценарий ёзиш.
- Тасвирга тушириш
- Оддий ва мураккаб монтаж жараёнлари билан танишиш.

- Ахборот жанрида материал тайёрлаш.
- Таҳлилий жанрда телемахсулот тайёрлаш.
- Бадиий – публицистик жанрда кўрсатув тайёрлаш.
- Тўғридан-тўғри эфирда ишлаш
- Овоз билан ишлаш
- Интервью олиш, суҳбат ўтказиш бўйича машқлар бажариш.
- Репортаж олиб бориш ва материални монтаж қилиш
- Ёзилган радиосценарий муҳокамаси
- Аудиолавҳаларни ташкиллаштириш ва улар асосида ижтимоий ролик тайёрлаш.
- Радиоканаллар эшиттиришларининг мониторинги ўтказиш.
- Нодавлат радиостанциялар фаолиятини таҳлил қилиш.
- Радиоэшиттиришларга тақриз ёзиш.

Семинар машғулотларини ташкил этиш бўйича тавсиялар

Семинар машғулотларни ташкил этиш бўйича кафедра профессор-ўқитувчилари томонидан кўрсатма ва тавсиялар ишлаб чиқилади. Унда талабалар асосий маъруза мавзулари бўйича олган билим ва кўникмаларини амалий машқлар орқали янада бойтадилар. Шунингдек, дарслик ва ўқув қўлланмалар асосида талабалар билимларини мустақамлашга эришиш, тарқатма материаллардан фойдаланиш, илмий мақолалар ва тезисларни чоп этиш орқали талабалар билимини ошириш, мавзулар бўйича кўргазмали қуроллар тайёрлаш ва бошқалар тавсия этилади.

Лаборатория ишларини ташкил этиш бўйича кўрсатмалар

Фан бўйича лаборатория ишлари ўқув режада кўзда тутилмаган.

Курс ишини ташкил этиш бўйича услубий кўрсатмалар

Курс иши тасдиқланган ўқув режада кўзда тутилган таълим йўналишларида бажарилади.

Курс ишининг мақсади талабаларни мустақил ишлаш қобилиятини ривожлантириш, олган назарий билимларини қўллашда амалий кўникмалар ҳосил қилиш, бевосита ишлаб чиқаришдаги реал шароитларга мос ечимлар қабул қилиш ва замонавий техника ва технологияларни қўллаш кўникмаларини ҳосил қилишдир.

Курс иши мавзулари бевосита ишлаб чиқариш корхоналари технологик жараёнларига боғлиқ ҳолда, аниқ бир телеканал ва кўрсатув учун белгиланади. Курс ишининг мавзулари умумий талабалар сонидан 20-30% кўпроқ олдиндан тайёрланади. Ҳар бир талабага алоҳида топширик берилади.

Курс иши объекти сифатида телеканал, телекўрсатув, таниқли муаллифлар ижоди, тележурналистика вазифалари ва жанрлари хизмат

килади. Курс лойиҳалари компьютерда амалга оширилади ва ҳимояларнинг аксарияти презентация кўринишида тақдим этилади.

Курс ишини ҳимоя қилишга қуйидаги умумий талаблар қўйилади:

- муаммони библиографик таҳлил қилиш;
- тўпланган материалларни танқидий ўрганиш
- таклиф ва тавсияларни асослаб бериш;
- фикрни кетма-кетликда, муайян изчилликда баён қилиш;
- курс ишини қўйилган талаблар бўйича расмийлаштириш.

Курс ишларининг намунавий мавзулари

Телекўрсатувларнинг баркамол авлод тарбиясида тутган ўрни.

ТВда рекреатив чиқишлар тараққиёти.

Ахборот дастурлари таҳлили.

Давлат дастурларининг телевидениеда ёритилиши.

Ижтимоий-сиёсий кўрсатувлар таҳлили.

ТВда тасвир ва матн уйғунлиги.

Ўзбекистонда рақамли телеканаллар тараққиёти.

Муаллиф, режиссёр, бошловчи маҳорати.

Телекўрсатувларда бошловчининг ўрни ва салоҳияти.

Теледизайн.

ТВда медиаэтика.

Жаҳон ТВлари тараққиёти

Мустақил таълимнинг шакли ва мазмуни

Мустақил таълим қуйидаги шаклларда ташкил этилади:

- мавзуларни норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ўқув адабиётлари ёрдамида мустақил ўзлаштириш;
- мавзулар бўйича реферат тайёрлаш;
- амалий машғулотларга тайёргарлик кўриш;
- илмий мақола ва тезисларни тайёрлаш
- фаннинг долзарб муаммоларини қамраб олувчи лойиҳалар тайёрлаш;
- назарий билимларни амалиётда қўллаш;
- телевизион ва радиосценарийлар ёзиш;
- масофавий (дистанцион) таълим олиш.

Таълим жараёнида инновацион технологияларни, ўқитишнинг интерфаол усулларини қўллаш талаба томонидан мустақил танланади. Талабаларнинг мустақил таълимини ташкил этиш тизимли тарзда, яъни узлуксиз ва узвий равишда амалга оширилади. Талаба олган назарий билиминини мустаҳкамлаш, шу билан бирга навбатдаги янги мавзунини пухта ўзлаштириши учун мустақил равишда тайёргарлик кўриши керак.

Тавсия этилаётган мустақил ишларнинг мавзулари:

1. Объект қандай танланади? Мухаррир топшириғи ва тасдиғи
2. Телевидение учун ёзиладиган сценарий.
3. Радио учун ёзиладиган сценарий.
4. Тасвирга олиш. Тасвирга олиш жараёнида тасвирчи ва режиссёрнинг вазифалари. Бошловчи иштироки.
5. Радиода режиссёр ва бошловчи ҳамкорлиги.
6. Диктафон билан ишлаш.
7. Тасвирчи, режиссёр, журналист ва бошловчининг ўзаро муносабати.
8. Суратга олинган кўрсатув(исходник)ни просмотр қилиш.
9. Оддий монтаж жараёни билан танишиш.
10. Мураккаб монтаж жараёни ва мухаррир кўриги.
11. Умумий техник назорат.
12. Ахборот жанридаги дастурлар ва уларнинг ўзига хос хусусиятлари ҳамда мазкур жанрда ижодий асар тайёрлаш.
13. Таҳлилий жанрдаги дастурларнинг ўзига хос хусусиятлари ҳамда мазкур жанрда ижодий асар тайёрлаш.
14. Бадиий-публицистик жанрдаги дастурларнинг ўзига хос хусусиятлари ҳамда мазкур жанрда ижодий асар тайёрлаш.
15. Интерактив чиқишлар.

Дастурнинг информацион-услубий таъминоти

Мазкур фанни ўқитиш жараёнида

- аудиовизуал журналистика тизими ва унинг таркиби бўлимига тегишли маъруза ва дарсларида модуль тизимига асосланган электрон мажмуадан;

- амалий машғулотларда, хусусун журналистик фаолиятда стандартлар ва соҳанинг амалий жиҳатларини ўрганишда таълим технологияларидан, телевизион ва радиосценарийлардан;

- миллий ҳамда хорижий телерадиоканаллар амалиётига тегишли дарс машғулотларида таълимнинг бошқа методларидан фойдаланиш назарда тутилган.

Фойдаланиладиган адабиётлар рўйхати

Асосий адабиётлар

1. Исмаилова К.Ф. Международное радиовещание. Т., УМЭД, 2006.
2. Исмаилова К.Ф. В режиме прямого эфира. Т.: МЦПЖ, 2007.
3. Исмаилова К.Ф. Голос перемен Т.: Насаф, 2011.
4. Каримов А. Аудиовизуал журналистика. Тележурналистика. Т.: ЎзДЖТУ, 2012.
5. Кузнецов Г.В., Цвик В.Л., Юровский А.Я., Телевизионная журналистика. М.: “Высшая школа” 2002 г.

Қўшимча адабиётлар

1. Кузнецов Г.В. Так работают журналисты ТВ. М.: “Аспект Пресс”, 2004.
2. Каримов А. ТВ, ижодкор ва замон, Т.: “Наврўз”, 2004.
3. Радиожурналистика. Под ред А.Шереля. 2-изд. М.: “Высшая школа”, 2004.
4. Содик С. Аудиовизуал журналистика. Т.: Мумтоз сўз, 2010.
5. Смирнов В.В. “Жанры радиожурналистики”. Учебное пособие . М. Аспект-Пресс, 2004.
6. Цвик В.Л. Телевизионная журналистика, М.: “Аспект Пресс” 2004.
7. Шестеркина Л.П., Николаева Т.Д. Методика телевизионной журналистики, М.: “Аспект Пресс”, 2012.

Интернет сайтлари

1. vitaweb.jino-net.ru
2. www.journalism.ru
3. www.mediasprut.ru/public/internet - Авторские публикации
4. www.citforum.ru
5. www.case.nnov.ru
6. www.hi-edu.ru
7. www.opennet.ru
8. www.telemultimedia.ru

